

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

_____ п.ф.н., доц. **Н.Ш. Бекмуратов**

“__” _____ 2014 йил

5110900 - Педагогика ва психология кундузги бўлим IV курс талабаси

Содиқова Шахноза Талатовнанинг

Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини
шакллантириш (Педагогика коллежлари мисолида) мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Талаба: _____ Содиқова Ш.
имзо

Илмий раҳбар: _____ А.Ш. Мухсиева
имзо

Такризчи: _____
имзо

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Педагогика кафедраси мудири:

п.ф.д., проф. _____ Н.М.Эгамбердиева

“__” _____ 2014 йил.

Тошкент – 2014 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	3-9
I Боб Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантиришнинг назарий асослари.	
I.1. Кейс стади таълим технологияси тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.....	10-18
I.2. Ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.....	19-27
II Боб Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари.	
II.1. Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни.....	28-40
II.2. Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш ўзига хосликлари.....	41-44
III Боб Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш йўллари.	
III. 1. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг мазмуни.....	45-47
III. 2. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг натижалари.....	48-52
Умумий хулоса.....	53-54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55-57
Иловалар.....	58-70

Кириш

Муаммонинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ёшларга таълим тарбия бериш ишларини тубдан ислоҳ қилиш масаласи қўйилган. Жумладан, унда: “инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ- атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир” деб таъкидланган.

Бўлғуси тарбиячилар юксак маънавий маданият, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялаш муаммоси сиёсий, иқтисодий, фуқаролик ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотлар жадаллик билан амалга ошириладиган бугунги кунда айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, жаҳон таълими стандартлари даражасида шахсга таълим бериш ва ижтимоий самарадорликни ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Жамият маънавиятини юксалтиришга бўлган эҳтиёжни қондириш талаби таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо этади¹.

Юртимизда 2014 йилни “Соғлом бола йили”деб эълон қилингани ҳаммага маълум. Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу кунларда ҳукуматимиз томонидан ушбу масала юзасидан қабул қилинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, жами давлат ва

¹ Каримов И А “ Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли”. Т.: Ўзбекистон, 1992й.

нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд барча ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни кўзда тутди².

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган Қарорида замонавий фикрловчи педагогик кадрлар тайёрлашга таълим жараёнида илғор педагогик услуб (“Case-study” услуби, лойиҳалар услуби ва бошқалар) ва ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилишига урғу берилган³.

Шу нуқтаи – назардан Олий ўқув юртларида таҳсил олаётганларни давр техникаси, унинг ишлаш технологияси билан қуроллантиришда педагогик технология ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Бу масала таълим ислохотлари тўғрисидаги ҳужжатларда айниқса, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида аниқ қилиб белгиланган. Хусусан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини” рўйбга чиқаришнинг иккинчи босқичи (2001-2005 йиллар)да ушбу муаммони тўла ечишга алоҳида эътибор қаратилиб “... таълим муассасаларининг модий техника ва ахборот базасини давом эттириш ўқув жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш”ни назарда тутилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Мазкур тезис таълим тизимини янгиланиши ва таълим мазмунини такомиллашуви жараёнида ўқув тарбия ишларини янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилишни талаб этади. Шу муносабат билан биз мазкур малакавий битирув ишини **“Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш” (Педагогика коллежлари мисолида)** деб номлаб таълим

² “Соғлом бола йили” давлат дастури. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ., 2010 й.

³ А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014й.

муассасаларининг ўқув тарбия жараёнини педагогик технологиялар билан таъминлаш ва таълим-тарбия жараёнига илмий ёндашувлар асосида ёритишни лозим деб билдик. Малакавий битирув ишида педагогика технологияларнинг моҳияти, қўллаш зарурияти, педагогик технология принциплари ва таълим-тарбия жараёнига илмий ёндашувлар баён этилади.

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади⁴.

Бугунги кунда бўлажак педагогларда касбий моҳирлик, ижод, кўникмаларини ҳосил қилиш, муомала маданияти, педагогик техника малакаларини шакллантириш, ўқитувчилик, тарбиячилик маҳоратининг дастлабки малакаларини таркиб топтиришни асосий мақсад қилиб белгилаш зарурати яққол кўзга ташланмоқда.

Педагогик технологияларни қўллаш жараёнида талабалар педагогик кузатувчанлик, ижодкорлик, илғор педагогик тажрибаларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиладилар. Ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш жараёнида диққатни аниқ тақсимлаш, билим, кўникмалари, психик ҳолатларини бошқара олиш ва педагогик техника маданиятини мустақил ўзлаштириш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратилмоғи даркор. Албатта, бу малакаларни шакллантиришда узлуксиз таълим тизимининг турлари, айниқса, олий таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Зеро, ушбу илм даргоҳида билим олиб, эгалланажак касб-ҳунарга тайёрланаётган ҳар бир мутахассис нафақат ўз ихтисослиги бўйича маълумотларга эга бўлади, балки педагогик -психологик тайёргарликни қўлга киритиб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топади, ижтимоий – иқтисодий тараққиётда фаол иштирокчи бўлиб вояга етади. Ўзининг ақл – заковати, илмий салоҳияти, маънавияти,

⁴ А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба

маданияти билан миллий истиқлол ғояларини мустаҳкамлашда, озод ва обод Ватанни қуришда ёниб яшайдиган шахс бўлиб шаклланади ва таълим ислохотлари ҳужжатларида белгиланган вазифаларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, «Таълим тўғрисида» ги Конуннинг 3-моддасида «таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалашган ёндашув». Ёхуд «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг 4-бўлимидаги «Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» бандига «... илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади» - деб вазифа қўйилгани бежиз эмас .

Масалага шу нуқтаи-назардан ёндашилганда республикаимизнинг таълим муассасалари, айниқса, мутахассис кадрлар тайёрлаш билан шуғулланувчи ўрта махсус ва олий таълим мактаблари олдида қўйилган мазкур ижтимоий буюртма ўрта махсус ва олий таълим аудиторияларида таҳсил кўраётган бўлажак педагог-тарбиячиларни илғор педагогик технологияларнинг моҳияти – мазмуни билан таништиришни, уларни амалда қўллашнинг амалий кўникма ва малакалари билан қуроллантиришни долзарб масала қилиб қуяётганлиги кўзга ташланади.

Олимларнинг фикрича ўқитиш шахсга йўналтирилган эмас, анъанавий баён қилиш, эслаб қолиш шаклда олиб борилганлиги ва юқоридаги зарурият таҳсил олувчиларнинг аниқ тафаккур парадигма намуна мисоллари асосида ўқитилганлиги натижасида мустақил фикрлашнинг саёзлиги, ўзгалар фикрига кўр-кўрона эргашишнинг шакллантирилганлиги каби ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳол албатта ҳар қандай тараққиётга салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, таълим олувчиларни узоқни қуролмайдиган ҳолга солиб қўяди. Билимли бўлиш истеъдодни ривожлантириш. Ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг ягона йўли эса янги педагогик технологиядир.

Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантиришни илмий тадқиқ этишга бағишланган ишлар маълум маънода амалга оширилган, бироқ, кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш жараёnlари махсус тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган. Фикримизча, **“Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш”** битирув малакавий ишимиз мавзуси сифатида белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Тадқиқот жараёнида муаммонинг назарий жиҳатдан ишланганлик даражасини ўрганиш АЛ ва КХКларида тарбиявий ишларни ташкил этиш, ҳамда инновацион технологиялар ёрдамида тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ёшлар тарбияси ҳамда миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари бир гуруҳ файлсуф, психолог ҳамда педагог олимлар томонидан етарли даражада тадқиқ этилганлигини кўрсатади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Н.Н. Азизходжаева, Р. Абдуқодиров, А. Пардаев, С. Очилов, Р. Ишмухаммедов, Х. Бобобеков, М. Давлетшин, З. Исмоилова, О. Мусурмонова, С. Нишонова, У. Махкамов, Ш. Қурбонов, Н. Эгамбердиева, Б. Ходжаевлар педагогик технологиялар асосида таълим тарбия жараёнини ташкил этиш, АЛ ва КХКларида тарбиявий ишларнинг ўзига хосликлари, ҳамда инновацион технологиялар ёрдамида тарбиявий ишларни самарадорлигини ошириш, такомиллаштириш, юқори синф ўқувчиларини маънавий маданиятини шакллантириш, талабаларни ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашини шакллантириш каби масалалари юзасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақиллик шарофати билан педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратни шакллантириш мавзусига бағишланган қатор тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги шароитда ўта муҳим бўлган кейс-стади технологияси асосида таълим тизими жараёнини самарадорлигини ошириш масаласи етарли даражада

ишланмаган. Шунга кўра илмий тадқиқот ишининг мавзуси **“Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш”** деб номладик.

Тадқиқот мақсади — кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни ва моҳиятини асослаш, кейс-стади таълим технологиясининг педагогик имкониятлари ва афзалликларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти — кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети — кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни ва йўллари.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг мазмуни, моҳияти ва ўзига хосликлари аниқлаштирилса, педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб берилса ушбу таълим технологиясининг амалиётга тадбиқ қилиш жараёнининг самарадорлиги янада ортади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Мавзуга оид илмий-педагогик, методологик манбаларини ўрганиш асосида кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг мазмунини ёритиш.
2. Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг ўзига хосликларини таҳлил этиш;
3. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб бериш.
4. Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишлари мазмунини ёритиш ва натижаларини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

– кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг ўзига хосликларини ёритиб берилди.

– кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг методлари: назарий таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, педагогик кузатиш, тажриба-синов.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги Қонуни”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорлари, буйруқлари, таълим мавзуга оид фалсафий, педагогик илмий-методик манбалар.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг имкониятлари ва афзалликлари очиб берилди.

Тадқиқот натижаларидан педагогика фани ўқитувчилари, методистлар ҳамда талабалар фойдаланиши мумкин.

Ишнинг тузилиши: Битирув малакавий иши уч боб, олтига параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I Боб Кейс-стади технологияси асосида ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш назарий асослари.

I.1 Кейс-стади таълим технологияси тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усулларини излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

“Case-study”нинг асосий мақсади – турли вазиятли, шу жумладан, педагогик вазиятли масалаларни ҳал қилиш мобайнида ўқувчиларнинг концептуал схема ва моделларидан амалий фойдаланиш малакаларини, шунингдек, муаммоларни гуруҳий таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқариш орқали билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир⁵.

⁵ А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба.-Т.: Фан ва технологиялар, 2014й.

Ҳозирги даврда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш⁶.

Кейслар методи (*Case method*) ёки кейс-стади (*case-study*), аниқ вазиятлар анализи (таҳлили) методи бўлиб, реал ижтимоий, иқтисодий, бизнес вазиятлар таърифидан фойдаланувчи таълим техникаси ҳисобланади. Таълим олувчилардан берилган вазиятни таҳлил қилиш, муаммолар моҳиятини англаш, ушбу муаммоларнинг муқобил ечимларини излаш ва улар орасидан энг афзалини танлаш талаб этилади. Кейслар реал далилли

⁶ Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989

материалларга ёки реал вазиятга максимал равишда яқинлаштирилган маълумотларга асосланади. Ушбу метод дастлаб 1924 йилда Гарвард бизнес мактаби (*Harvard Business School*)да қўлланган. Гарвард бизнес мактабининг ўқитувчилари бизнес йўналишидаги аспирантура бўлими учун тўғри келадиган дарсликларнинг мавжуд эмаслигини тез англайдилар. Ушбу масалани ечиш учун бизнес мактабининг ўқитувчилари томонидан қўйилган дастлабки қадам етакчи бизнес амалиётчиларидан интервью олиш ҳамда мана шу менежерларнинг фаолияти, унга таъсир этувчи омиллар юзасидан батавсил ҳисобот ёзиш бўлди. Маъруза тингловчиларига у ёки бу ташкилот тўқнаш келган конкрет вазият таърифи ушбу вазият таҳлил қилиниши ва мустақил равишда ёки жамоа бўлиб мунозара ташкил этиш воситасида унинг ечими топилиши учун бериларди. Кейс методи бизнес йўналишидаги таълим муассасаларида кенг тарғиб этилади. Кун сайин ушбу технологиянинг тарафдорлари ортиб бормокда. XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб бизнес-кейслар Ғарбий Европа мамлакатларида оммалашади. Европанинг етакчи бизнес мактаблари INSEAD, LBS, HEC, LSE, ESADE ва бошқалар кейс-стади таълим технологияси воситасида дарс берибгина қолмай ушбу кейсларни яратишда ҳам фаол иштирок эта бошлайдилар. 2000 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб кейс-стади таълим технологиясига қизиқиш ортиб боради – олийгоҳлар қошида турли тўғараклар (Кейс клублар)ташкил этила бошлайди. Бундан ташқари турли ташкилотлар кейс-стади юзасидан беллашувлар ва бошқа тадбирларни уюштира бошлайдилар (масалан, Changellenge>>, FutureToday). 1909 йилдан 1919 йилгача бўлган даврида кейс методида асосида таълим қўйидаги схема асосида ташкил этилган: амалиётчи талабаларга аниқ вазиятни баён этиш, ундан сўнг ушбу вазият анализини бериш ва ниҳоят муаммо ечимини аниқлаш ва исботлаш кўрсатмаси берилар эди. Энг биринчи кейслар тўплами 1921 йилда (Dr. Copeland, Dean Donhman томонидан) чоп этилган эди.

2000 йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб чет эл олий ўқув юртларида табиий фанлар ва техник фанларни ўқитишда кейс-стади технологиясидан

фойдаланиш тенденцияси кузатилиб, ҳозирги кунда кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълимнинг етакчи усулларида бўлиб қолди., энг умумий тарзда кейс-стади технологиясининг моҳияти куйидагича изоҳланиши мумкин: ушбу технология воситасида ўқувчи (талаба)га реал ҳаётий вазиятни англаш таклиф этилади, айти пайтда бу вазиятнинг тавсифида нафақат у ёки бу амалий муаммо, балки шу муаммони ечиш натижасида эгалланиши зарур бўлган билимлар комплекси актуаллашиши ҳам кузатилади. Таъкидлаш жоизки, муаммонинг ўзи моҳиятан ечимга эга бўлмайди.

Кейс-стади таълим технологиясининг Россия таълим тизимида кириб келиши XX асрнинг 70-80 йилларига тўғри келсада, амалда ушбу технологиянинг таълим тизими шароитида оммалашуви XXI асрнинг бошларига тўғри келади. Россияда ушбу методни ишлаб чиқиш ва асослашга Г.А. Брянский, Ю.Ю. Екатеринославский, О.В. Козлова, Ю.Д.Красовский, В.Я. Платов, Д.А. Поспелов, О.А. Овсянников, В.С. Рапопорт ва бошқалар ҳисса қўшдилар. Айти пайтда Ўзбекистон таълим тизимида ҳам кейс-стади таълим технологияси муаммоли таълим технологилари қаторида кириб келган ва бугунги кунда энг самарадор методлардан бири ҳисобланади.

Кейс-стади таълим технологияси – бу таълимдаги методик янгилик бўлибгина қолмай, балки унинг таълим тизимида кенг ишлатилиши замонавий таълим тизимидаги вазиятга ҳам боғлиқ. Айтиш мумкинки, ушбу технология асосан янги билим, кўникмаларни ўзлатиришга эмас, ўқитувчи ва талабаларнинг умумий интеллектуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида вазиятларнинг анализи (таҳлили) талабаларнинг профессионализация

жараёнига кучли таъсир ўтказа олиши, уларнинг касбий жихатдан “улғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейслар методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имкониятини беради. Бунга албатта, таълим тизимининг демократлашуви ва модернизациялашуви, педагогик креативликка очилган кенг йўл, уларда прогрессив тафаккур услубини ҳамда педагогик этика, педагогик фаолият мотивациясини шакллантириши ҳам мисол бўла олади ⁷.

Кейс-стади таълим технологияси таркибидаги кейсдаги ҳаракатлар тавсиф кўринишида берилиши мумкин, бунда талабадан ушбу тавсифни англаш, яъни тавсифланган вазиятнинг натижалари, эффективлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб этилади. Акс ҳолда улар муаммонинг ечимлари сифатида таклиф этилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам амалий ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш таълим олувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш воситаси сифатида хизмат қилади.

В.Я. Платов кейс-стади технологиясининг қуйидаги афзал ва бошқа таълим технологияларидан ажралиб турувчи жихатларини белгилайди:

1. У ёки бу ижтимоий-иқтисодий тизим моделининг мавжудлиги ҳамда ушбу модел ҳолатининг муайян вақт бирлиги ичида таълил этилиши;
2. Муаммо ечимини аниқлашга жамоавий тарзда эришиш;
3. Муаммонинг ечимида турли альтернативаларнинг мавжудлиги. Ягона ечимнинг мантиқан мавжуд эмаслиги;
4. Муаммо ечимини излашда яхлит мақсад;
5. Фаолиятни баҳолашнинг гуруҳий тизимининг мавжудлиги.

Ушуб ўзига хосликлар ва бошқа омиллар таъсирида кейс-стади таълим технологияси таълим тизими шароитида кенг тарқалмоқда. Аммо ушбу методнинг таълим тизмида самарали қўлланишида бир қатор

⁷ Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989

мураккабликлар ҳам кузатилади. Энг аввало улар педагог кадрларнинг тегишли методнинг методологик асосига юзаки ёндашуви натижасида вужудга келади. Кўпинча, кейс-стади таълим технологияси остида таълим тизимига “сохта” вазиятлар, бошқача айтганда “ҳаётий” вазиятларнинг кириб келиши кузатилади, таълимий мунозара эса “ҳаёт ҳақидаги суҳбат”га айланади. Аммо айти пайтда кейс-стади таълим технологияси ўқитувчининг касбий компетентлигини ошириш воситаси бўлиб, таълимнинг тарбиявий, таълимий ва тадқиқотчилик функцияларини бирлаштиришга хизмат қилиши мумкин. Ушбу методнинг самарадорлигини оширувчи яна бир омиллардан бири унинг бошқа таълим методлари билан осон бирикишидир.

Кейс-стади таълим тизимининг категориал аппаратини шакллантириш ундан фойдаланишнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради ҳамда таълим жараёнида методнинг технологизациясига йўл очади. Кейс-стади таълим технологиясининг асосий тушунчалари қаторига “вазият” ва “анализ”, бу икки тушунчанинг уйғунлашувидан келиб чиққан “вазият анализи” киради. Фалсафи нуқтаи назардан “вазият” атамаси ўз ичига бир қатор контекстларни бирлаштиради. Шунинг учун, ушбу атама юқори даражадаги барқарорсизлик билан тавсифланувчи ва ўз таркибида бир қатор зиддиятларга эга бўлган муайян ҳолат сифатида изоҳланиши мумкин. Вазият аксария ҳолларда ўзгариш мойиллигига эга бўлиб, унинг ўзгариши ушбу вазиятда иштирок этувчи инсонларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Вазият инсонлар таъсирига нисбатан очик бўлиб, инсонларнинг хатти-харакатлари эса бу вазиятда ўз мақсадларига эришишлари ва қизиқишларини қондиришларига боғлиқ бўлади. Вазиятлар шундай ижтимоий тизимларда “пайдо бўлади” ки, уларда хулқ-атворнинг қаттиқ детерминацияси кузатилмайди, ижтимоий соҳада кўплаб ижтимоий кучларнинг ўртасида ўзаро таъсир, рақобат ва кураш мавжуд бўлади. Шу туфайли вазиятлар анализига асосланган ҳар қандай метод каби кейс-стади таълим технологияси плюрализм, ўз-ўзини англаш ва жамоавийлик, айти пайтда мустақилликни тақозо этади.

Кейс-стади таълим технологиясининг яна бир баъзавий категорияси бу “анализ”дир. Анализ категорияси объектни ҳаёлан бўлакларга бўлиш ёки илмий тадқиқ этиш сифатида тушунилиши мумкин. Анализнинг турли классификациялари мавжуд бўлиб оммавий анализ таснифини қуйидагича белгилаймиз: тизимли анализ, корреляцион анализ, факторли анализ, статистик анализ ва бошқалар. Умуман олганда айтиш мумкинки, анализнинг ушбу барча турлари кейс-тсади технологияси доирасида қўлланилиши мумкин бўлиб, бу ҳолатнинг технологиянинг имкониятларини янада кенгайтиради. Кейс-стади вазиятни англаш, тафаккур қилиш жараёнида амалга ошиши мумкин бўлган бир қатор аналитик фаолият турлари иштирок этиши мумкин. Бу эса ўз навбатида ўқитувчидан юқори даражадаги методологик маданиятни талаб этади.

Қуйидаги жадвалда кейс-стади технологиясида фойдаланиш мумкин бўлган анализ турларининг имкониятлари берилган

№	<i>Аналитик фаолият турлари</i>	<i>Уларнинг характеристикаси</i>	<i>Унинг гуруҳлари</i>
1.	Муаммоли анализ	Муаммоларни ажратиш; Муаммолар майдони ва уларнинг квалификациясини шакллантириш.	1) Вазиятнинг муаммоли мазмунини анализ қилиш; 2) Вазиятнинг муаммоли шартларини анализ қилиш; 3) Вазиятнинг муаммоли оқибатларини анализ қилиш.
2.	Тизимли анализ	Объектни тизимий ёндашув позициясидан ўз структураси ва	1) Дескрипт анализ: мавжуд структура асосида функцияларни

		функцияларига эга тизим сифатида кўриб чиқиш	шакллантириш; 2) Конструктив анализ: мавжуд функциялар асосида структура шакллантирилади.
3.	Праксеологик анализ	Фаолиятли жараёнларни уларни оптималлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш	Фаолиятни оптимизациялаш усулларини анализ қилиш; Фаолиятни моделлаштириш ва алгоритмлаштириш
4.	Прогностик анализ	Вазиятнинг кейинги ривожига нисбатан фаразлар келтириш	Норматив прогностик анализ; Изловчи прогностик анализ

Кейс-стади технологияси моҳиятан қуйидаги дидактик тамойилларнинг кетма-кетлигига асосланади:

1. Ҳар бир талабага индивидуал ёндашув, унинг эҳтиёжларини ва таълимий услубини инобатга олиш. Бу тамойил таълим жараёнини ташкил этмас аввал талабалар ҳақида максимал ахборотни олишни назарда тутди;
2. Таълимда максимал даражада эркинлик бериш (ўқитувчиларни танлаш имконияти, фанларни танлаш имконияти, топшириқлар ва уларни ечиш услубларини эркин танлаш имкониятининг мавжудлиги);
3. Талабаларни топшириқларни ечишда зарур бўлган кўргазмали материаллар билан етарли миқдорда таъминлаш (илмий мақолалар, видео ва аудио касеталар, у ёки маҳсулотлар);

4. Асосий муаммолар атрофида жипслаштирилган назарий материални рационал узатиш;

5. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги фаол ҳамкорлик муносабатлари. Талаба исталган вақтда ўқитувчига савол билан мурожаат қилиши мумкин;

Талаба шахсининг кучли жиҳатларини ривожлантиришга урғу бериш.

“Case-study” услуби – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга қўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Услуб талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади.⁸ Ушбу услуб орқали талабалар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг рационал ечимини топишга ўрганадилар. Ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган “Case-study” услубидан талабалар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у талабаларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” услуби ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади.

⁸ А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014й.

1.2 Ўқувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Қарорда баркамол авлод тарбияси ва касбий маҳоратини аввало таълим муассасаларида ошириб боришга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ҳам педагоглар ва тарбиячилар зиммасига улкан масъулиятлар юклади. Жумладан, Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит–қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт–шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора–тадбирларни амалга ошириш”⁹ муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни бекаму кўст амалга оширилиши учун бугунги кунда аввало бўлажак ўқитувчиларнинг савиясини ва билимини узлуксиз такомиллаштириб боришга мустаҳкам замин яратилиши керак. Олий педагогик таълим муассасаларида ушбу муаммоларнинг ечимини топишда “Педагогик маҳорат” фанини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нималардан иборат? Уларни эгаллаш учун нималарни билиш керак? Ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси «педагогик маҳорат» тушунчасига турлича изоҳ беради. Жумладан, “Педагогик энциклопедия”да таъриф қуйидагича изоҳланган: “Ўз касбининг моҳир устаси бўлган, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндаш фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис”¹⁰. Ушбу

⁹ “АДОЛАТ” ижтимоий сиёсий газетаси. – Тошкент, 2010, № 4, 29 январь.

¹⁰ Педагогик энциклопедия. – Т.: Ўқитувчи нашриёти, 2010й..

таърифнинг моҳиятидан келиб чиқиб ўқитувчининг педагогик маҳорати тушунчаси мазмунини шундай изоҳлаш мумкин:

1. Маданиятнинг юқори даражаси, билимдонлик ва ақл заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. Ўз фанига доир билимларнинг мукаммал соҳиби;
3. Педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни пухта эгаллаганлиги, улардан касбий фаолиятида фойдалана олиши;
4. Ўқув – тарбиявий ишлар методикасини мукаммал билиши.

Педагогик маҳорат тизими қуйидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий компонентлардан иборат:

1. Педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. Касбга оид билимларни бошқа фанлар билан алоқадорликда мукаммал билиш;
3. Педагогик қобилиятга эга бўлиш;
4. Педагогик техника сирларини пухта эгаллаш.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниқтириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–хунар сирларини пухта эгаллашларида кўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллариини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади. Бунинг учун доимо ўқитувчининг касбий маҳоратини, кўникма ва малакаларини ошириб бориш, ғамхўрлик қилиш, унга зарур шарт – шароитлар яратиш, керакли моддий ва илмий –методик ҳамда техник ёрдам кўрсатиш, ўқитувчининг

иждодий ташаббускорлигини мунтазам ошириб боришга кўмаклашиш лозим¹¹.

Шунга асосан, «Педагогик маҳорат» фани, маҳоратли ўқитувчини тайёрлашга хизмат қилади, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касбий фаолияти сирларини, моҳирлигини ўргатувчи ва уни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар бериб боровчи фан бўлиб, ўқитувчида педагогик маҳоратнинг моҳият мазмунини, ҳозирги замон талаблари доирасида касбий фаолиятини ривожлантиришнинг йўллари, воситаларини, шакллари ўрганади.

Педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячига педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим – тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий – маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда хулқ–атвори ва ҳиссиётни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб боровчи **педагогик фаолиятлар** тизими тўғрисида маълумотлар беради¹². Педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик фаолияти замирида такомиллашиб боради.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун жамият олдида, давлат олдида жавоб берадиган, таълим-тарбия беришда махсус тайёрланган ўқитувчилар меҳнати фаолиятидир. Бўлажак ўқитувчи ўз педагогик фаолияти жараёнида фаолиятнинг қуйидаги таркибий қисмларини билиши лозим:

- Педагогик фаолиятнинг мақсади.
- Педагогик фаолиятнинг объекти ва субъекти.
- Педагогик фаолиятнинг воситаси.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон

¹¹ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

¹² Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчининг фаолияти **педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир**. Педагогик жараённинг объектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳига ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчи педагогик фаолияти ижобий натижалари меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар тизимини: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Мазкур фаннинг мазмунидан касбга доир топшириқ ва вазифаларни ечиш учун ўқув – тарбия жараёнини бошқариш, унга раҳбарлик қилишда педагогик–психологик таълимот нуқтаи – назаридан ёндашиш, таълим – тарбияни миллий анъаналаримиз руҳида замонавий методлар асосида моделлаштириш, ўқув – тарбиявий жараёнда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш учун ўқитувчи маҳоратининг зарурлиги ҳақидаги маълумотлар ва уларни такомиллаштириш тизимлари ўрин олган.

Шунга кўра, «Педагогик маҳорат» фани касбга оид билим ва қобилиятларни ўқитувчиларда шакллантириш, ижодкорликни тарбиялаш, маҳорат, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун, педагогик техника, педагогик ҳамкорлик, педагогик назокат, нутқ маданияти тўғрисида маълумотлар бериб боради.

Бу мақсад бўлажак ўқитувчида қуйидаги вазифаларни мунтазам бажариб бориш орқали амалга оширилади:

1. Бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратнинг назарий ва методологик асослари билан қуроллантириладилар.

2. Педагогик маҳорат фанининг педагогик техника, педагогик ҳамкорлик (мулоқот), педагогик назокат, педагогик қобилият, тарбиячи маҳорати, ўқув–тарбия жараёнини бошқариш, нутқ маданияти, педагогик ижодкорлик каби таркибий қисмлари тўғрисидаги билимлар тизимини эгаллайдилар.

3. Бўлажак ўқитувчилар миллий урф–одат ва анъаналаримизда ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой ижодий меросларида акс этган педагогик маҳорат сирларини мустақил эгаллашга нисбатан ўзларида эҳтиёж ва ҳавасни ривожлантириб борадилар.

4. Эгалланган педагогик–психологик ва методик билимлар, кўникма ва малакалар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир бўлажак ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик маҳоратини шакллантиради.

5. Ўқув–тарбиявий жараёни жаҳон андозаларига хос сўнгги замонавий метод ва шакллар асосида ташкил этиш ва бошқаришни амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини мунтазам ўзлаштирадилар.

6. Ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини такомиллаштириш учун шахсий–ижодий малака оширишнинг шакл, усул ва воситаларини эгаллайдилар.

7. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти, функцияси, тузилиши тўғрисида ўқитувчилар узлуксиз маълумотларни ўрганиб борадилар.

8. Юксак замонавий ахборот технологиялари ва портал тизимидан фойдаланиш асосида ўз касбий маҳоратларини шакллантирадилар¹³.

Бу мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши ўқитувчи – тарбиячини замон билан ҳамнафас бўлишга, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўра олишга ўргатади. Ҳар бир ўқитувчи шахсида

¹³ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

мамлакатимизнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини виждонан тасаввур қилиб, аниқ бажариб бориши учун шижоат билан ўз имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга ўргатади, ҳамда педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш малакаларига эга бўлишни тарбиялайди.

Хўш педагогик маҳоратнинг ўзи нима? Унга ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қуйидагича таъриф берилади: Педагогик маҳорат – ўқитувчининг шахсий (болажонлиги, хайрихоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва касбий (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, қобилияти ва ҳоказо.) фазилатларини белгиловчи хусусият бўлиб, ўқитувчининг таълим-тарбиявий фаолиятида юқори даражага эришишини, касбий маҳоратини доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолиятдир. У ўз фанини мукаммал билган, педагогик–психологик ва методик тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўллари излаб топиш учун, амалий фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчининг касбий фаолиятида намоён бўлади.

Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши, ҳамда инсонийлик, изланувчанлик ва фидойиликни ўзида таркиб топтириши лозим. И.П. Раченко педагогик маҳоратни педагогик санъатнинг бир қисми сифатида таърифлаб, шундай ёзади: “педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик–психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларни мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга ахлоқий–эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр мулоҳазасига ишончи ва қатъий иродаси тушунилади”. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қуйидаги тўртта компонент педагогик маҳоратнинг асосий ташкил этувчилари ҳисобланади:

- ўқитувчилик касбига садоқат;
- ўз фанини ўқитиш методикасини мукаммал билиши;
- педагогик қобилиятларини намойиш эта олиши;

- педагогик техникани ўз ўрнида қўллай билиши.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, ўқитувчилик касби мураккаб ва масъулиятли жараёндан иборат. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, ўқитувчи доимо онгнинг ягона соҳиби бўлмиш инсоннинг таълим–тарбияси билан шуғулланиб, у билан мулоқот олиб боради. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шу сабабли, бўлажак ўқитувчи тарбияланувчи билан доимий мулоқотда бўлиши, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология ва тарбия назариясини мукамал ўрганиб, ўз касбий фаолиятини муттасил ривожлантириб бориши керак.

Ўқитувчининг шахсий фазилатлари сирасига иймон–эътиқоди, дунёқарашининг кенглиги, фаоллиги, одоб–ахлоқи, фуқаролик бурчини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва ўз мақсадларига интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги мамлакатимизнинг ижтимоий–сиёсий талабларига ўз фикр мулоҳазаси билан фаол иштирок этиши киради.

Ўқитувчининг касбий хусусиятларига: ўз касбини, болаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик назокати, тасаввури, қобилияти, ташкилотчилиги, нотиклик маданияти, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга нисбатан интилиши ва бошқа фазилатлари киради¹⁴.

Ўқитувчининг касбий педагогик тайёргарлиги шартли равишда қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- 1) Ўқитувчининг шахсий фазилатлар бўйича тайёргарлиги.
- 2) Ўқитувчининг руҳий – психологик тайёргарлиги.
- 3) Ўқитувчининг ижтимоий – педагогик ва илмий – назарий жиҳатдан

¹⁴ Холиқов А. Педагогик маҳорат. - Т.: Фан. 2010 й.

тайёргарлиги.

- 4) Ўқитувчининг махсус ва ихтисосликка оид услубий билимларни эгаллаб бориши.

Яна таъкидлаш жоизки, педагогик маҳорат ўқитувчи – тарбиячи шахсий ва касбий сифатларининг йиғиндиси бўлиб, ўқитувчи маҳоратини шакллантиришни таъминловчи омилларни, педагогик–психологик, методик билимларни доимий эгаллаб бориши лозим. Юксак педагогик маҳоратни шакллантиришни таъминловчи **омиллар** қуйидагилар:

а) ихтисослик бўйича ўқув предметини, замон, илм–фан, техника таракқиёти даражасида мукамал билиши, унинг бошқа ўқув фанлари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш малакасига эга бўлиши;

б) таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши, уларнинг фаолиятини объектив назорат қилиши ва баҳолаши;

в) таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш асосида ўз фаолиятини ташкил этиши;

г) ўқув – тарбиявий жараённи замон талаблари даражасида ташкил қилиш учун асосий педагогик– психологик, методик маълумотга эга бўлиши;

д) фанларни ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиши;

е) жамоани «кўра билиш», ўқувчиларнинг қизиқишлари, интилишлари, улар учрайдиган қийинчиликларни тушуниш ва ҳамдард бўла олиш, ўз вақтида улар фикрини англай билиш, зукколик билан ҳар бир боланинг характер хусусияти, қобилияти, иродасини тушуниш ҳамда уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнинг шакл, усул, воситаларидан хабардор бўлиши;

ж) ўз шахсий сифатлари (нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, бадий эҳтиёжи, диди ва ҳоказо) ни такомиллаштириш малакасига эга бўлиши. Ўқитувчининг педагогик маҳорати педагогика олий таълим муассасаларида шаклланиб боради. Юксак савияли педагогик

кадрлар тайёрлашга нисбатан талаблар, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўз касби билан узлуксиз тараққиётга мослаша оладиган ўқитувчининг шаклланиши, бўлажак ўқитувчи умуммиллий мавқеининг ўсиб боришини таъминлайди.

II Боб Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш.

II.1 Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни.

Кейслар амалий, ўргатувчи ва илмий-тадқиқотли бўлиши мумкин. Амалий кейсларнинг асосий мақсади ҳаётий ҳолатни синчиклаб, тўла акслантиришдан иборат. Бундай кейслар вазиятнинг амалий, яъни “ҳаракатланувчи” номли вазият моделини яратади. Бундай кейснинг ўқув вазифаси ўқувчиларни тренинга, бундай вазиятда қарор қабул қилиш билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга мўлжалланади. Бундай кейслар имкон қадар кўргазмали ва ҳижжаланган бўлиши лозим. Уларнинг энг асосий маъноси ҳаётни билиш ва муқобил фаолиятга кўникишни эгаллаш. Ўргатувчи кейслар ҳаётнинг вазифаларини бирга бир акс эттирмайди: биринчидан, у ҳаётда кўп учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида учрайдиган типик вазиятни акс эттиради; иккинчидан, ўргатувчи кейсларда, биринчи ўринда, ҳаётни акс эттиришнинг шартли элементи бўлган ўқув ва тарбиявий вазифалари туради. Бундай кейслар жамиятнинг аниқ лавҳасини тушунишга камроқ имконият беради. Лекин у, албатта, шундай лавҳага ёндашувни шакллантиради. У типик вазиятни кўришга имконият беради ва олдиндан аналогияни қўллаган ҳолда, вазиятни таҳлил қилиш қобилиятини аниқлайди.

Янги педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киради ва булар қуйидагилар:

- Ўқув бирликларини (мезонлар) белгилаш;
- Диагностик таҳлил;
- Тузатиш киритиш;
- Қайта ишлаш (тўлдириш);
- Кутилиши лозим бўлган (кафолатланган) натижани олиш;

– Рейтинг (таққослаш).

Юқоридаги тамайиллар ва элементларга асосланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш, айниқса ривожланган давлатлардаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълимий педагогик технология тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари – педагог ва ўқувчи ўртасида ўқув меҳнати режасини ишлаб чиқиш: яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи фаолият ўз аксини топмоғи керак.

2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак ўқувчини янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса «оралиқ тайёргарлик» олиб бориш ва шундан кейингина ўқувчини билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш янги педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири **диагноз**(ташҳис) ҳисобланиб, ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштириш қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат ¹⁵.

3. Ўқув бирликлари(мезонлари)ни белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантикий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчилар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди, у учун ажратилган вақтни белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши (билиши) зарур бўлган

¹⁵ Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993, 88б.

мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни ўқувчи ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Ўқитувчи шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун, ҳам ўқув бирликларини билиш ўқувчи учун зарур топшириққа айлантирилади. Дарс режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, семестрлар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликларни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида ташҳислаштириш амалга оширилади. Диагностика қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- а) ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ташҳислаштириш;
- б) бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
- с) аниқланган етишмовчиликларини тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- д) якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайса ўқув бирликларида қийналади;
2. Ўқитувчи қайси билимларини кучайтириш лозимлигини аниқлайди.
3. Тузатиш киритиш. Бўлим, бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50%дан кам кўрсаткич олинса, ўқитувчи

таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади:

А. Ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш(диагностик таҳлил асосида);

В. Қайта ўрганиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш услубларини ишлаб чиқиши;

С. Дарс режасида тузатиш киритиш вақтларини белгилаш.

4. Қайта тўлдириш (нуқсонларни тугатиш). Қайта тузатиш киритишдан мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни тузатиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалиёт машғулотларида бажарилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги «тўлдиришни» амалга оширмоғи лозим. Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур.

5. Кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилиш билан бирга, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдиға мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Кейс-стадининг муаммоли вазиятининг детерминацияси асосий манбалари турлича таснифға эға бўлиши мумкин. Кейс-стадини тузишнинг амалиётида асосан бир манбанинг усутунлик қилиши кузатилади. Ушбу ёндашув, манбаларнинг таъсириға кўра, кейс-стади технологияси доирасида кейсларни таснифға асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Бунда *амалий кейсларни* ажаратиш мумкин, улар мутлақ ҳаётий вазиятларни тавсифлайди; бундан ташқари *таълимий кейслар* гуруҳини ҳам ажратиш мумкин, уларнинг

асосий вазифаси таълим беришдир; *илмий-тадқиқотчилик кейслари*, тадқиқотчилик фаолиятини юзага келтириш мақсадини кўзловчи кейслар сарасига киради.

Амалий кейсларнинг асосий вазифаси – ҳаётий вазиятни мукаммал даражада акс эттиришдир. Моҳиятан ушбу кейслар тоифаси вазиятнинг амалий моделени шакллантиради. Бундай пайтда кейс-стадининг таълимий вазифаси ўқувчиларда у ёки бу хулқ-атвор андозларини қарор топтириш, қарор қабул қилиш ва маълум билим, кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиши мумкин. Табиийки бу гуруҳдаги кейслар максимал даражада кўргазмали ва мукаммал бўлиши керак. Унинг асосий мазмуни ҳаётни англаш ва оптимал фаолият юритиш қобилиятига эга бўлиш ҳисобланади.

Ҳар қандай кейс-тсади технологияси ўзида таълимий функцияни мужассам этсада, кейс-стадининг турли хилларида ушбу функциянинг намоён бўлиш даражаси турлича бўлади. Шунинг учун таълимий функцияси етакчилик қилаётган кейслар ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттиради.

Биринчидан, ушбу кейслар мутахассис кундалик ҳаётида кўп учрайдиган касбий фаолият давомида тўқнаш келиши мумкин бўлган типик вазиятлар тўпламини акс эттиради.

Иккинчидан, таълимий кейсларда биринчи ўринда таълимий ва тарбиявий вазифалар туради. Бу эса ҳаётни акс эттиришда маълум бир шартли ҳолатларни тақозо этади.

Айни шундай хусусиятлар тадқиқотчилик кейс-стади технологиясига хос бўлиб, унинг асосий мазмунини инсоннинг вазиятга тегишли янги маълумотга ва унда ўзини тутишининг янги усулларига эга бўлиш ташкил этади. Унинг таълимий функцияси илмий тадқиқот кўникмаларини моделлаштириш методи воситасида эгаллашдан иборат бўлади. Шунинг учун бундай кейслар технологиясидан кадрларга дастлабки касбий билимларни беришда эмас, бевосита кадрлар малакасини оширишда, яъни мукаммал

касбий кўникма ва малакаларга эга, тадқиқотчилик фаолиятига тайёр субъектлар билан ишлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кейс-стади технологиясидан фойдаланишда ҳар бир кейснинг структураси (тузилиши) алоҳида аҳамияга эга бўлади.

Ҳар қандай кейс қуйидаги структурага эга бўлади:

- ✓ Вазият – муаммо, ҳаётдан мисол;
- ✓ Вазиятнинг контексти – хронологик, тарихий, жой контексти, ҳаракат иширокчилари ўзига хосликлари;
- ✓ Муаллиф томонидан келтирилган изох;
- ✓ Кейс-стади технологияси билан ишлашда топшириқлар ва саволлар тўплами;
- ✓ Илова.

Қайси турга киришидан қатъи назар кейс-стади технологияси ўзи ичига мана шу таркибий қисмларни олади. Уларнинг тўғри кетма-кетликда, зарур қонуниятлар асосида жойлаштирилиши технология самарадорлигини оширади. Шунинг учун кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиш босқичлари алоҳида кўрсатиб ўтишни зарур деб билдик.

Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиш босқичлари:

1. Таълимий мақсадлар тизимида ушбу кейснинг ўрнини белгилаш;
2. Кейснинг мавзусига бевосита дахлдор бўлган институционал тизимни излаш;
3. Вазият моделини ташкил этиш ёки уни танлаш;
4. Тавсифни яратиш;
5. Қўшимча ахборотни тўплаш;
6. Яхлит матнни тайёрлаш;
7. Кейс-стади технологиясини презентациясини тайёрлаш, мунозарани ташкил этиш.

Кейс-стади технологияси билан ишлаш жараёнини ташкил этиш.

Кейслар билан ишлашнинг турли вариантлари бўлиб, улар ўқитувчининг

креативлик қобилиятидан келиб чиқади. Қуйида кейс-стади технологияси асосида ташкил этилган машғулотларнинг энг умумий таснифи келтирилган.

Машғулотни ташкил этиш босқичлари:

1. Биргаликдаги фаолиятга жалб этиш босқичи.

Унинг асосий вазифаси – умумий фаолиятга мотивацияни уйғотиш, ташаббус билдиришга ундаш.

2. Биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш босқичи.

Унинг асосий вазифаси – муаммони ечишга қаратилган фаолиятни ташкил этиш. Фаолият кичик гуруҳларда ёки индивидуал тарзда ташкил этилиши мумкин.

3. Биргаликдаги фаолият рефлексияси босқичи.

Унинг асосий вазифаси – кейс-стади технологияси билан ишлашнинг таълимий ва тарбиявий натижаларини таҳлил қилиш.

Кейс-стади таълим технологиясининг таълим жараёнида қўлланиши қуйидаги натижаларга эга бўлади:

Ушбу метод кенг таълимий имкониятларга эга бўлиб, уларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин – таълимий натижалар, улар билимларни, кўникмаларни ўзлаштириш билан боғлиқ тарбиявий натижалар улар ўз навбатида таълимнинг шахсий самарадорлигига эришиш, талабаларнинг ўзаро таъсир жараёнида ўзида янги шахсий ва коммуникатив, касбий фазилатларини кашф этиши.

№	Таълимий натижалар	Тарбиявий натижалар
1	Янги ахборотни ўзлаштириш;	Муаллифлик маҳсулотини ярата олиш
2	Маълумотларни тўплаш кўникмаларини эгаллаш;	Шахсий мақсадларга эририш
3	Анализ қилиш методларини ўзлаштириш;	Касбий компетентлик даражасининг ортиши
4	Матн билан ишлашга ўрганиш;	Қарор қабул қилиш, янги вазиятда

		ўзини бошқара олиш, муаммони ҳал этиш кўникмаларининг шаклланиши
5	Назарий ва амалий билимларни таққослай олиш кўникмаси	

Замонавий таълим технологияларини қўллаш жараёнида педагог кадрларга қўйиладиган замонавий талаблар мавжуд. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим бериш маҳорати;
- Тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув – тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- Таълим оловчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила билиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «Қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделида келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича қуйида табақалаштирилган тайёргарлик йўналишлари берилган.

Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар)

- ўқитиладиган фан мансуб бўлган тармоқ билимлар соҳасининг тарихи ва ривожланиш истиқболлари;
- ўқитиладиган фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳақида;
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида;

- ўқитадиган фани бўйича ўқув дастурини;
- ўз фани ва тегишли тармоқнинг замонавий илмий ва амалий ютуқларини;
- дарс берадиган фанининг тушунчалари, атамалари ва таърифлари, қонуниятлари, тамойиллари, усуллари ва услубларини;
- илмий-амалий ижодиёт методологиясини;
- фан бўйича тегишли машғулотлар олиб боришда далиллаш ва инкор этиш усулларини;
- Илғор педагогик технологиялар, ўқув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фан бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик услубларни;
- мувофиқ соҳанинг малака ошириш учун керак бўлган касбий ахборотни билиши ва қўллай олиши;
- мутахассислиги бўйича ташкил этилган педагогик маҳоратни ошириш курсларида фаол иштирок этиш;
- ўқитадиган фани бўйича билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- фанга таълуқли турли маълумотлар(маъруза, дарс, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар)ни малакали ўтказиш ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкилий ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан самарали фойдаланиш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчининг фан бўйича олган билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг объектив шакларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Илғор педагогик технологиялар йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар)

- илғор педагогик технологияларнинг илмий-услубий асосларини;

- илғор педагогик технологияларнинг тарихини;
- ўқув жараёнига ёндашиш тамойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- ўзлаштиришнинг унумли ва изланув поғоналари учун педагогик технологияларни;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор педагогик технологияларни;
- ўқув жараёнининг мувофиқ вазиятларини ўрганишга доир тушунтирув-кўргазмавий, технологик ва изланув усулларини;
- ўқитишнинг фаол усулларини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитишга технологик ва изланувчан ёндашиш усулини ишлаб чиқиш;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик, керакли ҳажмда бериш, лойиҳаларнинг мантиқий тузилмаси, тузатишлар киритишни;
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг тизимини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари ва вазифалари асосида тест, ёзма ва оғзаки топшириқларни тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ахборотли технология йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар)

- ахборотлардан жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан, техника ва маданиятдаги ахборот ва креатив жараёнларни;
- ахборотда жамиятни ривожлантириш муаммоларини;
- сунъий интелектнинг ахборот тизимлари ва билим бериш усулларини;
- ахборотлашнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситаларини;
- универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларини амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўқитиладиган фанга таълуқли бўлган универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларни;
- таълимда мультимедия технологиясини;
- ахборотни моделлаштириш асосларини;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини;

- ўқув материаллари ҳақида ахборотли маълумот тизимини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- глобал Интернет компьютер тармоғидан самарали фойдаланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;
- ўқув жараёнида электрон почтадан унумли фойдаланиш ва амалий кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Рейтинг тизими асосида ўқувчилар билимини баҳолаш йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар):

- ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва назорат қилиш тизимларини;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини рейтинг тизимида назорат қилишнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим даражаси, кўникма ва малакаларини назорат қилишни рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни;
- ўқувчилар билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлашни режалаштиришга доир услубий тавсиялар ҳамда кўрсатмаларни;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш учун оғзаки сўров, ёзма текширув усулларини ва тестлашни билиш ва қўллай олиш; тизимларини;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини режалаштириш, ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг билимларини турли назорат ишлари(оғзаки сўров, ёзма ишлар, тест саволлари) усулларида баҳолаш;
- ўқитилаётган фаннинг бўлимлари бўйича ва ёппасига ёзма назорат қилиш ишларини ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини жорий,оралиқ ва якуний назорат қилиш;

- ўқитилаётган фан бўйича тезкор(экспресс) назорат қилиш учун тест саволлари ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт;

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш йўналиши бўйича (педагогга қўйиладиган талаблар):

- ривожланган давлатлар ўқувчиларининг мустақил билим олиш технологиясини билиши, унинг ташкилий ва услубий таъминлаши;

- «Шахс ахборотли муҳит» тизимидаги жараёнлар ва уларни бошқариш;

- ахборотли жамиятни ривожлантириш муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- мустақил билим олишнинг «ўқишни ўргатиш» тамойилини;

- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун глобал Интернет компьютер тармоғидан фойдаланишни;

- ўқитилаётган фан бўйича мустақил билим олишнинг турли ташкилий шакллари;

- лойиҳалаш тизимида ўқитишни;

- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун фаол ўқитиш усуллари;

- мустақил билим олишда илмий ва техникавий ижод қилиш услубларини билиши ва қўллай олишни;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкил этиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш;

- ўқувчиларни мустақил(турли манбалардан) билим олишларига раҳбарлик қилиш;

- ўқувчиларни мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш;

- мустақил билим олишда илмий билиш ва илмий тадқиқот усулларида
фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт¹⁶.

¹⁶ Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халқ таълими», 1999 6-сон 28-31 бетлар

II.2. Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг ўзига хосликлари.

Кейс-стади технологияси ўқитувчининг акс эттириш фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Интеллектуал маҳсулот сифатида у ўз манбаларига эга. Ҳаёт кейсларнинг энг асосий манбаси деган тезис ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак. Бу масалада фақатгина унинг кейснинг мазмуни ва шаклини қанчалик белгилаши мумкин экани ҳақидаги фикрлар мунозарага сабаб бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт ўзининг турфа хил кўринишларида кейс-стади таркибидаги муаммоли вазият сюжети, муаммоси ва омиллар (факториал)базасини шакллантириб беради. Кейс-стадининг таркибий қисми – муаммоли вазият (кейс)нинг яна бир муҳим манбаи бу таълим тизимидир. У таълим ва тарбия мақсад ва вазифаларини, кейс-стади технологиясининг таълимнинг бошқа методларига интеграциясини белгилайди.

Фан бу кейсларнинг учинчи манбаидир. Айнан фан икки асосий методологияни белгилаб беради. Улар эса ўз навбатида аналитик фаолият ва тизимий ёндашув ҳамда муаммоли вазиятни ҳал этиш жараёнида кейс-стади технологияси таркибига интеграциялашган бошқа бир қатор илмий методлар билан белгиланади.

Педагогик вазият. Инглиз тили дарси. Ўқитувчи қўлини кўтарган боладан матнни ўқишни сўрамоқда. Бола дудукланади ва у қанча ҳаяжонланса, бу ҳолат шунча кучаяди. Тўхталиб қолиш рўй беради. Ўқитувчи боланинг биринчи сўзни ўқишга уринишини кузатган ҳолда, бир оз кутади. Шундан кейин, болага бақриб, уйга вазифани бажармаган бўлсанг керак, бундай дангасалигинг жонга тегди деб, ота-онасини чақиришини айтади. Синфда кимдир кула бошлайди, кимдир ерга қарайди. Бола қўрқув остида қийин сўзни “чайнайди” ва давомини ўқишга ҳаракат қилади.

Вазиятни баҳолаш. Боланинг дудукланиши барча ўқувчиларга маълум бўлган ҳамда синфда ўқитувчининг овозини кўтариши мумкин бўлмаган ҳолат.

Нима бўлишини олдиндан айтиш. Бу ўқувчи дарсларда доим фаол, лекин унинг дудукланиши, ўзини ҳам ноқулай ҳолатга олиб келади. Ҳар гал у жавобларни “чўзаётгани”дан, қайсидир маънода ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Бу (ва шунга ўхшаш) ҳолат натижасида боланинг камчилиги янада кучлироқ ривожланади, тортинчоқлиги ортиб, дарсларда умуман жавоб беришдан безиллаб қолади. Бундан ташқари унга нисбатан ноҳақлик қилингани ўқитувчи-ўқувчи муносабатига салбий таъсир қилади. Синфдаги болалар ўқитувчининг ноҳақлигини сезиб турсалар-да, ўқитувчининг синфдошларига қилаётган муомала услубини меъёр сифатида қабул қиладилар. Умуман, болаларда бировнинг нуқсонидан кулиш хусусияти ривожланган.

Ечиш. Агар биринчи сўз болада қийинчилик туғдирса, болаларнинг бу ҳолга эътиборини чуқурлаштирмаган ҳолда ўқитувчининг ўзи уни ўқиб бериши маъқул бўлар эди. Агар ўқитувчи хотиржам бўлса, ўқувчи ҳам тинчланади ва ўқиш яхшироқ кечади.

Педагогнинг ижодий потенциали.



Ҳозирги таълим тизимидаги самарадор ўқитиш технологияси - бу кейс-стади таълим технологиялари воситасида ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир.

Кейс-стади таълим технологиялари асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш уларда ўқитувчилик касбига муносабатни ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнииг репродуктив шаклларига нисбатан тобора ўсиб боради.

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлар бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аниқ таъриф М.И.Махмудова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиш мантиқий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усуллари қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб...) тизими сифатида изоҳланади.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил атади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида инсон фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожига ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қотидалари ётади. Инсоннинг билиш фаолияти жараёни мантиқий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойилларга таянади. Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили психолог ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазияти, кутилган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик,

эмоционал «ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий ишлаш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муайян педагогик «воситаларда мақсадга мувофик ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усуллари ишлаб чиқиш зарур. Шундай қилиб, ўқитишда муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсик» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас. У билиш мақсадлари махсус такозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излири аа янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўла бермаслигини таъкидлаш ўринли бўлади. Янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Бундай машаққат ақлий изланишни кафолатламайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда талаба машаққат талаб қилган объект (тушунча, факт)нинг унга аввал ва айнаи вақтда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Шундай қилиб, муаммони ҳосиятининг моҳияти шундаки, у талаба таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниши ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади) ўртасидаги зиддиятдир. Зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

III Боб Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш йўллари.

II. 3. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг мазмуни.

Юртимизда ўз касбини фидоиси бўлган ўқитувчиларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов: “Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим тарбиясини шахслар керак”¹ деб айтадилар. Мамлакатимизда таълим турининг босқичлари мавжуд бўлиб, бунда мактабгача таълим, бошланғич таълим, ўрта – махсус таълим босқичлари мавжуд. Узлуксиз таълим тизимини модернизациялаш, таълим жараёнига инновацион таълим технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан мактаб ва коллежларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ҳамда дарс вақтида бўладиган камчилик – нуқсонларни эътиборга олиш, дарсдаги ўқитиш технологиясини жонлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, кейс-стади технологияси воситасида педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратининг юқорилик даражаси бевосита давлат ривожига ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Хусусан, ҳуқуқий демократик давлат асосида босқичма-босқич фуқаролик жамияти куришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мустақил Ўзбекистонда ҳам ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришга илмий жиҳатдан ёндашишни бугун давр талаб қилмоқда.

Биз илмий тадқиқот ишимизни тажриба синов ишларини амалга ошириш мақсадида Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи “Педагогика ва психология” кафедрасида ўқитиладиган фанлар билан танишиш орқали уларга педагогика фанидан дарс бериш орқали амалга оширдик. Кафедрада ўқитиладиган фанлар мавзуларига мос равишда кейс-

стади яъни муамоли вазиятлар ишлаб чиқдик. Педагогика коллежи ўқувчиларининг ўз касбларига қай тарзда қизиқишлари ўрганилди ва уларга педагогик маҳоратни эгаллаш учун пухта билим ва кўникма ва малакалар кераклиги ҳақида маърузалар ташкил этдик. Жумладан, “Ўқитувчилик- касби ўта маъсулиятли ва машаққатли касб”, “Ўқитувчилик касбининг жамият тараққиётидаги ўрни”, “Буюк мутафаккирларнинг – педагогик қарашларида ўқитувчига қўйилган талаблар”, “Ўқитувчи – қалб меъмори”, “Ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия” каби қатор мавзуларда дарсдан ташқари фаолиятларида маъруза ва давра суҳбатлари ташкил этдик.

Педагогика коллежи ўқувчиларидаги қизиқишни инобатга олган ҳолда кейс-стади технологиясининг мазмунини ёритишдаги, хусусан, "Педагогик маданиятини шакллантириш – моҳияти", "Таълим технологияларининг жорий этиш долзарб масала", "Ўқитувчининг педагогик маҳорати – таълим самарадорлигини шакллантиришнинг асоси", "Кейс-стади таълим технологиясининг мазмуни", "Дарсни ташкил этишда ўқитувчининг маҳорати", "Педагогика коллежи ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлаш – долзарб педагогик мауммо " каби мавзуларда маъруза ва семинарлар ташкил этиш, мустақил равишда ўқувчиларнинг ўз касбларига муносабатини, кейс-стади таълим технологиялари асосида дарсларни ташкил этиш, ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш мақсадида уларни педагогик адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, кейс-стади таълим технологиясининг моҳияти, касбий фаолиятнинг мазмуни, педагогик маҳоратнинг моҳияти хусусида давра суҳбати ўтказиб уларнинг олган мазкур билимлар орқали фаолиятини ташкил этишлари таъкидлаб ўтилди.

Педагогика коллежи ўқувчиларида педагогик маҳоратини қарор топиши унинг ижтимоий – педагогик муносабатлар жараёнидаги иштироки даражаси ва сифатига боғлиқ. Доимий равишда, мақсадли тарзда педагогик муносабатларга киришиш ўқувчиларда педагогик маҳоратни шаклланишига олиб келади.

Таълим-тарбияни ташкил этиш даврида ўқувчилар фаолияти мазмунини таҳлил этиш, уларда ўз фаолиятларига нисбатан танқидий ёндошувни қарор топтириш, шунингдек, ўз фаолиятларини реал баҳолашга ўргатиб бориш талаб этилади.

Кейс-стади таълим технологияси орқали ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришда турли ёндашувлар ва кўрсаткичлар самарадорлигига аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Бу самарадорлик кўрсаткичини қуйидаги уч йўналишга бўлиш мумкин:

1. Кейс-стади таълим технологияси орқали ўқувчиларда педагогик маҳоратни шакллантириш бўйича мавжуд педагогик тажрибани ўрганиш.

2. Педагогик маҳоратни шакллантиришга доир фикрлар, қарашлар, тавсиялар ва йўналишларни ўрганиш.

3. Тажриба- синов ишларини таҳлил қилиш.

Бу йўналишларда асосан биз - ўқувчиларни педагогик маҳоратни шаклланлаганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлишини уч даражага бўлдик:

- а) Қуйи (қабул қилиш);
- б) Ўрта(татбиқ этиш);
- с) Юқори (ижодий).

Бунинг учун биз қуйидаги умумий кўрсаткичлар белгилаб олинади:

- фаолият самарадорлиги.;
- воситаларнинг мавжудлиги;
- маълумотни қабул қила олиш;
- фаоллик ва мустақиллик;
- тафаккур қилиш.

Биз мазкур ташкилий-методик андоза асосида ташкил этилган тажриба-синов ишлари натижаларини навбатдаги бандда ифода этамиз.

III. 2. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш юзасидан тажриба-синов ишларининг натижалари.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири янги тарихий шароитда жамиятга, юртга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу эса кўриниб турибдики ёшлар, келажак авлоддир. Дарҳақиқат, ёшлар республикамизда жуда катта куч ҳисобланади. Бу кучни эса тўғри йўналтириш ўзига хос ютуқ ва камчиликларни. Муаммоларни тўғри ҳал қила олиш ўша давр, ўша шароитдан жуда катта маъсулият талаб қилади. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, мамлакат келажаги билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга боғлиқдир. Ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг ўз ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз олдидаги турган долзарб муаммолардан биридир.

Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш уларда касблари ҳақидаги аниқ тасаввурларининг мавжуд бўлишини талаб этади. Биз педагогика педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик фаолиятга тайёрлаш орқали педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнини педагогик мезонларидан фойдаландик.

Педагогика коллежида кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш мақсадида биз “Ўқитувчилик- касби ўта маъсулиятли ва машаққатли касб”, “Педагогик кейсларни ечиш услубиёти”, “Педагогик вазиятларни –кейсларни таҳлил қилиш”, “Кейс-стади таълим технологияси сифатида”, “Ўқитувчилик касбининг жамият тараққиётидаги ўрни”, “Буюк мутафаккирларнинг -

педагогик қарашларида ўқитувчига қўйилган талаблар”, “Ўқитувчи - қалб меъмори”, “Ривожланган мамлакатларда таълим тарбия” каби мавзуда давра суҳбатлари ўтказдик. Давра суҳбатида кафедра аъзолари, устозлар, коллеж ўқитувчилари билан биргаликда ташкил этдик. Суҳбатда ўқувчилар иштирокчиларга саволлар билан мурожаат қилишди: “Ватанимиз равнақида касбингизни қандай ўрни бор?”, “Сиз ўз касбингизда фахрланасизми?”, “Жамият тараққиётида ёшларни ўрнини қандай изоҳлайсиз?”, “Педагогнинг фаолиятида педагогик маҳоратнинг ўрнини изоҳлаб беринг?”, “Педагогик фаолиятда кейс-стади таълим технологиясининг аҳамияти қандай деб ўйлайсиз?”, “Педагогик маҳоратли ўқитувчи қандай фазилатларга эга бўлиши зарур?” каби шуларга ўхшаш кўпгина саволлар билан мурожаат қилишди ва уларда ўқитувчилик касбининг жамият тараққиётидаги ўрни ва кейс-стади таълим технологияси унинг педагогик фаолиятдаги аҳамияти педагогика коллежи ўқувчиларининг кейс-стади таълим технологиялари орқали педагогик маҳорати шаклланиши ҳақида тасаввурлари кенгайди. Давра суҳбатидан коллеж ўқувчилари педагогик маҳорат ҳақида ва уларнинг касбий фаолиятларидаги аҳамияти ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлишди ва яхши таъсуротларга эга бўлдилар. кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантиришда педагогика коллежининг ўрни беқиёсдир. Биз таналаган мавзуимиз юзасидан тадқиқот ишларини Юнус ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежининг 301-босқич ва 302-босқич ўқувчиларида тажриба-синов ишларини олиб бордик. Педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси асосида педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнидаги ҳолатни аниқлаб олдик: ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш жараёни, шахсда шаклланиши лозим бўлган касбий фазилатларини таркиб топтириш, ўз касбига бўлган муносабатни шакллантиришдан иборат.

Педагогика коллежи ўқитувчиларининг фаолиятида ўқувчиларнинг ҳулқ атворини кузатиш, педагогика фанларини ўқитиш ва жараёни ташкил этиш, такомиллаштириш бевосита педагогика кафедраси ўқитувчилари,

гуруҳ раҳбарлари билан суҳбат ўтказиш давомида олинган натижалар таҳлил қилинди ва ўқувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳга юқори даражада педагогик маҳорати шаклланган ўқувчилар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи ўқитувчилик касбига садоқатли, ўз фанини ўқитиш методикасини билиши, педагогик қобилиятларини намоёиш эта олиши, педагогик техникани ўз ўрнида қўллай билиши, улар маърифатга, илм олишга, юксак ахлоқ-одобга, олийжаноб фазилатлар, яхшиликка даъват этувчи, маънавий дунёси кенг, шахслароаро ўзаро муносабатга киришиш жараёнида ижобий тасаввур қолдиради ва амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён эта олади.

Иккинчи гуруҳга ўрта даражада педагогик маҳорати қисман шаклланган ўқувчилар киритилди. Бу гуруҳга кирувчи ўқитувчилик касбига садоқатли, ўз фанини ўқитиш методикасини билиши, педагогик қобилиятларини намоёиш эта олиши, педагогик техникани ўз ўрнида қўллай билиши, улар маърифатга, илм олишга интилади, шахслароаро ўзаро муносабатга киришиш жараёнида қисман тасаввур қолдиради, амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини қисман намоён эта олади.

Учинчи гуруҳга паст даражада педагогик маҳорати шаклланмаган ўқувчилар киритилди. Уларда билим олишга, ўқитувчилик касбига умуман қизиқмайди, педагогик қобилияти шаклланмаган, шахслароаро ўзаро муносабатга киришишга олмайди, педагогик фаолият ҳақидаги тасаввурлари паст даражада шаклланганлиги, тушунишни хоҳламайди, амалий фаолиятларида ана шу хусусиятларини намоён этадилар.

Педагогика коллежи ўқувчиларининг педагогик маҳоратини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди: аниқловчи, шакллантирувчи, якунловчи.

Аниқловчи босқичда педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳорати қай тарзда шаклланганлиги ўрганилди, педагогик маҳоратини шакллантириш жараёни юзасидан саволнома асосида ўқувчиларнинг билим доираси ўрганилди. Ўқувчи-ёшларни педагогик маҳоратини шакллантириш

жараёнини ташкил этиш борасида гуруҳ раҳбарлари билан ҳамкорликда уларни таҳлил қилишди, асосий амалга ошириладиган фаолият мазмуни белгилаб олинди, учрашув ва давра суҳбатларининг асосий таркибий қисмлари аниқланди.

Суҳбат ва учрашувлар ўқувчиларда педагогик маҳоратини шакллантириш бўйича ўқувчилар билан биргаликда муҳокама этилди. Ўқувчилар уларнинг топшириқларини деворий газеталар чиқариш, мақолалар, буклетлар тайёрлаш жараёнида ифода этишди.

Шакллантирувчи босқичда – педагогика коллежи ўқувчиларини кейс-стади таълим технологияси воситасида педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнига доир амалий ишлар амалга оширилди. Яъни турли тарбиявий аҳамиятга эга кечалар, дарс жараёнига педагогик технологияларни жорий қилиш, ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш жараёни борасидаги маърузалар, давра суҳбатлари шунга ўшаш бир қанча педагогик маҳоратини шакллантиришга доир тадбирлар уюштирилди.

Яқунловчи босқич жараёнида кейс стади таълим технологияси воситасида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришнинг самарали қўлланишига доир тажриба ўтказилди. Педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантириш фаолияти йўлга қўйилиб, педагогик маҳоратини шаклланганлик даражаси таҳлил қилинди.

Педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнида тажриба-синов ишларини ўтказиш натижасида уларда касбий билимлар, педагогик фаолиятга муносабати, меҳнатсеварлик ҳисси шакллантиришда ижобий ўзгаришлар қўлга киритилди. Қуйидаги жадвалда келтирилганидек, педагогика коллежи ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш юқори даражада шакллантирилганлик натижалари ўз аксини топди.

**Педагогика коллежи ўқувчиларни педагогик маҳоратини
шакллантириш даражаси**

Гуруҳлар	Тажриба аввалида			Тажриба якунида		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи Жами 31 нафар	8	11	12	21	5	5
Назорат гуруҳи Жами 32 нафар	9	12	10	14	7	10

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига мувофиқ педагогика коллежи ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш борасида фикр тўла тасдиқланди. Унинг тасдиқланиши педагогика коллежи ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш жараёнини самарали ва муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилиш эҳтимоли кўзда тутилган методиканинг педагогик жиҳатдан тўғри асосланганлигини исботланди.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимнинг инсонпарварлик ва тарбиявий воситаларига, баркамол авлод тарбиясига, жаҳон таълим тизимининг ижобий тажрибалари ва ютуқларига алоҳида диққат-эътибор кучайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахс миллий моделимизнинг асосий ташкил этувчиси сифатида белгиланган бўлиб, унга нисбатан кўйиладиган талабларнинг амалга оширилиши таълим ислохатларининг натижасини белгилаб беради. Ўз навбатида мазкур хужжатда шахснинг ижодкорлиги ва интеллектуал қобилиятлари баркамолликнинг асосий вазифа таълим тизимида шахсда ижодкорлик ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш орқали баркамоллигига эришишдан иборат.

Ўтказилаган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий ва методик хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масаласи умуммиллий ва умумдавлат миқёсдаги вазифа бўлиб турибди. Мамлакатнинг келажаги, авлодларнинг давомийлиги, халқларнинг мавжудлиги, эртанги куни, эркин ва фаровон ҳаёт куриш вазифаларини амалга ошириш ҳам ёшлар билан боғлиқ.

2. Ёшлар дунёқарашида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, муаммонинг муҳимлиги ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришга оид кўплаб мутахассислар педагоглар, психологлар ва социологлар биргаликда тизимли ишларни амалга оширишлари лозим.

3. Педагогика фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришда кейс-стади таълим технологиялари асосида тадбиқ этилса аҳамиятли натижаларга эришиш мумкин.

4. Анъанавий ва инновацион аудиториядан ташқари фаолият шакллари интеграциялаш педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантиришда катта педагогик имкониятларни ҳосил қилади. Педагогика коллежи ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантиришни

йўлга қўйишда технологик ёндошув, яъни ҳар бир босқични алоҳида-алоҳида лойиҳалаб олиш, эришиладиган натижалардан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни белгилашнинг муҳим шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: «Ўзбекистон» 1999 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» - Тошкент, 1997.
4. Баркамол авлод орзуси (Президент И.Каримовнинг нутклари, рисолалари асосида). Тўзувчилар: Ш.Курбонов, Х.Саидов, Р.Аслиддинов. – Тошкент, «Шарк» манбаи концерни, 1999 йил.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: «Педагогика», 1989.
6. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари – Тошкент, 2001.
7. Абдукуддусов О. Малака ошириш тизимида педагогик инновациялар.- «Халк таълими», 1999 6-сон, 49-53 бетлар.
8. А.А.Абдуқодиров, Ф.А. Астанова, Ф.А. Абдуқодиров “Case-study” услуги: назария, амалиёт ва тажриба. –Т.: Фан ва технологиялар, 2014й
9. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модуль тизими ва педагогик технологияси амалий асослари, - Бухоро, 2000
10. Байсалов Ж. Модуль таълим технологиясини қўллаш. – «Халк таълими», 1999 6-сон 101 – 103 бетлар
11. Зарипов К. Янги педагогик технологияни тадбиқ этиш босқичлари. – «Халк таълими», 1997 4-сон, 4-12 бетлар.
12. Азизхужаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси – Тошкент, 2000
13. Азизхужаев Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар (Реклама - режалар). – Тошкент, 2002
14. Зиёмухаммедов Абдуллаева Б.Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий қўлланма.-Тошкент, Абу Али Ибн Сино номи тиббиёт нашриёти, 2001

15. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989
16. Кларин М.В. Иновации в мировой педагогике. – рига, 1995.
17. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993, 88
18. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса – Волгоград, Ярославль, 1991.
19. Нишоналив У., Толипов У., Икки шахс фаолияти уйгунлашганидагина таълим тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.-«Маърифат» газетаси, 2000 йил 19 апрел.
20. Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халк таълими», 1999 6-сон 28-31 бетлар.
21. Очилов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халк таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.
22. Педагогик энциклопедия. – Т. : Ўқитувчи нашри ёти, 2010й..
19. Рахимов Б. “Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданий муносабатларни шаклланиши. ” П.ф.н. илмий дарж.олиш.учун дисст.-Т.: 2005.
20. Курбонов Ш. “КХК ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишнинг педагогик асослари . П.ф.н. илмий даржасини олиш учун диссация.-Т.: 2004.
21. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Т.: Фан, 1995. – 117 б.
22. Ўзбек педагогикаси антологияси //Тузувчи-муаллифлар. К.Ҳошимов, Очилов С. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 460 б.
23. Ҳошимов К. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
24. Шомухаммедов.Ш. “Ҳазиналар жилоси”. - Тошкент.: 1990 й.
25. Очил Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари: (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари мисолида). – 2-нашри, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.
26. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”.Давлат илмий нашриёти.Тошкент – 2003.

27. Махмудов М. Комил инсон шахси ва ижтимоий тарбия // “Педагогик маҳорат”, 2002й.
28. Холиқов А. Педагогик маҳорат. –Т.: Фан, 2010й.
29. Подласый И.П. Педагогика: в 3-кн., кн.3: Теория и технология воспитания: учебн.для студентов вузов. –М.: ВЛАДОС, 2007. –463 б.
30. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий кўланма. –Тошкент, 2008. – 181 б.
31. Фридман Л.М., Пушкина Т.А., Каплунович И.Я. Изучение личности учащегося и ученических коллективов. –М., Просвещение, 1988;
32. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: “Фан ва технология”, 2009.
33. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996;
34. Юдина Е.Г. Педагогическая диагностика в детском саду: пособие для воспитателей дошкол.образов.учреждений –2-е изд. – М., Просвещене, 2003.
35. Ишмухамедов Р.Ж. Ўқувчиларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.,УДАП, 2004. – 233 б.
36. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.- Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2004, 2008 (қайта нашр). - 44 б.
37. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009. – 108 б.
38. Абдуқаххоров А, Пардаев А, Ишмухаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар.-Т.: Истеъдод, 2010.

ИЛОВЛАР

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Кейс — бирор ташкилотдаги қандайдир аниқ реал вазиятнинг ёзма тавсифидир. Ундан фойдаланиш мобайнида ўқувчилардан вазиятни таҳлил қилиш, муаммонинг моҳиятини кўриб чиқиш, мумкин бўлган вариантларни таклиф этиш ва улардан энг мақбулини танлаш сўралади

Касбий маҳорат — таълим жараёнида педагогик стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, инновацион педагогик фаолиятни ташкил этиш, таълимни бошқариш жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдан иборат касбий техника даражаси.

Қобилият — шахснинг индивидуал-психологик хусусияти бўлиб, муайян фаолият юзасидан лаёқати ва ишни муваффақиятли амалга ошириш субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йиғиндисига айтилади, зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш динамикасидаги фарқларни аниқлайди.

Педагогик ўзаро таъсир — ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ҳаракат ва ривожланишнинг объектив ва умумий шакли сифатида ҳар қандай моддий тизимнинг ташкилий тузилмаси ва мавжудлигини белгилайди

Касбий тайёргарлик — таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён.

Кейс (ингл. Case — ҳодиса, шарт-шароит) — амалий муаммолар ифодаланган ўқув материаллари йиғиндиси.

Кейс усули — ўқувчиларда ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган усул.

Кейс технологияси — ўқувчиларнинг мустақил қарорлар қабул қилишлари, муаммоли саволларга тўғри ва ҳаққоний жавоблар топишларига

қаратилган, ўқитувчи кузатувчи (эшитувчи) вазифасини бажарадиган таълим технологияси

Тарбия – маънавий манбаалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро оммавий ва назарий мулоққотидир.

Тарбия жараёни – тарбия жараёнини моҳияти ва жамият тараққиётидаги роли нисбатда бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу ҳатти – ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим.

Тарбия мақсади – талаба-ёшларда миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий педагогик тадқиқот методлари қўлланилади.

Тарбиячи - “эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади” (Конфуций)

Маҳоратли педагог – ўқув-тарбия фаолияти технологияларини эркин бошқара оладиган, қатор йиллар давомида юқори натижаларга эришган педагогик меҳнат намоёнчаси.

Педагогик жараён – аниқ мақсадга йўналтирилган, мазмунан бой, таркиби жиҳатидан қатъий шаклланган ўқув вазиятида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик.

Педагогик жараённинг яхлитлиги – ўқувчилар ривожланишининг юқори даражасини таъминловчи педагогик жараёнга оид синтетик сифат.

Педагогик жараённинг қонуниятлилиги – педагогик мақсадга эришишнинг муваффақияти ва жараённинг йўналишини белгилаб берадиган мавжуд ички ва ташқи алоқалар тизими.

Педагогик маҳорат – 1) касбий кўникмаларнинг юксак даражада ривожланиши; 2) шахснинг касбий сифатлари, лаёқат қобилиятлари мажмуи; 3) санъат даражасидаги маҳорат; 4) педагогик моҳирлик, санъат ва билимдонлик.

Педагогик мақсад – педагогик фаолиятнинг прогноз қилинган натижалари.

Педагогик метод – воқеликни амалий ва назарий эгаллаш, ўзлаштириш, ўрганиш, билиш учун йўл-йўриқлар, усуллар мажмуаси, ўқитувчининг педагогик билимларни яратиш ва асослаш усули.

Педагогик муаммо (грек. problema – топшириқ, вазифа) – таълим олувчи томонидан билим ва тажрибалари асосида тегишли вазиятда юзага келган қийинчилик ва зиддиятларни ҳал этиш зарурлигини англаш ҳодисаси.

Педагогик мулоқот – билиш ёки баҳолаш характеридаги ахборот алмашув жараёнида икки ёки ундан ортиқ шахс (ўқитувчи, ўқувчи)нинг ўзаро таъсирга эга фаолияти.

Педагогик муносабат – таълим жараёни элементларининг ўзаро алоқадорлиги.

Педагогик мутахассис – муайян педагогик фаолият билан мунтазам шуғулланадиган шахс.

Педагогик муҳит – ўқувчилар, талабалар учун узлуксиз таълим жараёни, оилада яратилган таълим-тарбиявий жараён.

Кейс топшириғи.

Сиз ишлаётган педагогика коллежларидаги бир нечта ўқувчига ўзингиз ўтаётган фандан 1-семестр бўйича баҳо қўймадингиз. Бироқ ўқув йили якунида журналда мазкур ўқувчиларга баҳо қўйилганининг гувоҳи бўлдингиз. Сиз ўқув ишлаор бўйича директор ўринбосарига учрашдингиз. Ўқув ишлаи бўйича директор ўринбосари уларга баҳони гуруҳ раҳбари қўйиб юборганини айтди. **Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?**

Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

1- Педагогик вазият (кейс-стади).

Дарс одатдагидек бормокда. Малика Алишеровна ўқувчиларнинг уй вазифаларини текшириб чиқди ва янги мавзунини тушуниришга ўтди. Бир вақт, у чап томонидан қандайдир ёжиллаган товушни эшитди. Юзидаги ифодага кўра Парпиев ёжиллаганлигини тезда аниқлади ва ўйлаб турмасдан, шундай деди:

— Парпиев ёжиллашни ёйиштир, бўлмаса дарсдан чиқариб юбораман! Парпиев ўзини тутиб ўтирмаса у яхши тайёргарлик кўрган дарсининг барбод бўлишига шубҳа қилмас ҳам эди.

— Парпиев – у, Парпиев - бу?! — овози борица деди ўқувчи.

— Сиз аввал ким ёжиллашини билиб олинг, сўнгра гапиринг. Ҳар доим: “Парпиев, Парпиев” дейсиз!

Ўқитувчи дарсни тушуниришни давом эттираверди ва шу ерда ёжиллаш яна такрорланди.

— Парпиев, яна такрор огоҳлантираман, ҳозироқ ёжиллашни тугатмасанг, сени дарсдан чиқариб юбораман!

Парпиев ёжиллашни тўхтатмади ва Малика Алишеровна қаттиқ овозда:

— Тезда синфдан чиқиб кет!

Парпиев синфдан чиқмади ва гап талашишга тушди:

— Нима учун мен чиқиб кетишим керак? Аввал мен ёжиллаганимни исботланг.

— Парпиев, сен чиқиб кетма-гунигча, мен дарсни ўтмайман!

Шу сўзларни айтгач, Малика опа синф журналинини ёпиб ўриндиққа ўтирди. Бу Парпиевга ҳам, синфда ўтирган бошқа ўқувчиларга ҳам таъсир қилгани йўқ. Вақт кетаётган эди. Парпиев синфдан чиқмади. Бу вақтда синфдаги ўқувчилар учта гуруҳга ажралди: биринчиси – умуман бўлаётган вазиятга бефарқлар; иккинчиси – низо нима билан тугашини истехзо билан, Парпиев чиқиб кетадими ёки йўқми деб, кузатаётганлар; учинчиси – дарсни барбод

қилаётган айбдорга пишиллаб: Абдулазиз, чиқиб кетсанг-чи, сенга айтяпти-ку. Дарсни барбод қилаяпсан, деб гапираётган фаол қизлар гуруҳи. Қўнғирок чалинди. Ўқитувчи синф тахтасига уйга вазифани ёзиб қўйди ва тезгина синфдан чиқиб кетди. Вазифа: вазиятга доир 4-5 та савол тузинг ва уларни таҳлил илинг.

Саволлар:

1. Ўқитувчи ўзининг педагогик бурч ва вазифаларини тушуна оладими?
2. Таълим беришнинг қандай ўзига хос сирлари мавжуд?
3. Ушбу вазиятда таълим-тарбиянинг қандай натижаларини кўрсатади?

2- Педагогик вазият (кейс-стади).

241—мактабнинг 8-синфида таҳсил оладиган Азиз ўзидан ката бўлган маҳалланинг баъзи бемаза болаларига аралашиб, кўчадан ўтаётган бегуноҳ болани калтаклашда иштирокчи бўлиб қолди. Азизнинг вояга етмаганлиги ва соғлиғи яхши эмаслиги (юррак хасталиги), шунингдек, жанжалда фаоллик кўрсатмасдан, фақат иштирок этганлигини инобатга олиб, мактаб жамоасига уни кафилликка олиш имконияти берилди. Бунинг учун педагогик кенгашнинг ижобий қарори зарур эди. Кенгаш салбий қарор чиқарса, болани суд ва озодликдан маҳрумлик кутар эди. Қизғин муҳокамадан сўнг педагогик кенгаш кўпчилик овоз (иккита овозга кўпроқ) билан Азизни кафилликка олиш ва мактабга қатнаши-шига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Эртаси куни Азиз ҳаётида илк бор мактаб бўйича навбатчиликда қатнашди ва кўлига навбатчилик лентасини тақиб олиб, зина олдидаги ўтиш йўлида туриб, мактабдаги тартибни назорат қила бошлади. Шу пайт Мадина Ахроровна ўзининг иккинчи синф ўқувчи-ларини гардеробга кузатиб бораётган эди. Азиз олдидан ўтаётган пайтда, у ўқувчиларига баралла овоз билан шундай деди:

— Болалар, қаранглар, бу бола, кеча мактабдан ҳайдалиб кетишига озгина қолган ўша безори (Азизни кўлидан ушлаб, уни кўрсатди) бола. Эсинглардами, у ҳақида мен сизларга эрталаб айтган эдим. Шу пайт Азиз кўлидаги навбатчилик лентасини йўл-йўлакай улоқтириб, юзи бўзарган ҳолда мактабдан югуриб чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Мактаб педагоглари орасида ўзининг педагогик бурч ва вазифаларини тушунишларида бирлик мавжудми?
2. Тарбиянинг қандай ўзига хос сирлари мавжуд?
3. Ушбу далил тарбиянинг қандай натижаларини кўрсатади?

3- Педагогик вазият (кейс-стади).

Синфда шовқин-сурон, чанг-тўзон, ўқувчилар дарсга тайёр эмас.

— Салом! Ўтиринглар, ўтиринглар.

Кимдир ўқитувчилар хонасига бориб, шкафдаги карталарни олиб келсин, — деб ўқитувчи синф ўқувчиларига мурожаат қилмоқда.

Йўлакка ўқувчилардан бир нечтаси отилмоқда.

— Қаерга, қаерга! Кимдир бир киши борсин, фақат тезроқ.

— Биз иккимиз борсак майлими? — ўқувчи жойидан қичқирди.

— Майли, фақат тезроқ.

— Мен ҳам улар билан бораман! — деди яна бир ўқувчи ўз ўрнидан туриб.

— Йўқ! Мен икки ўқувчи боради дедим!

— Сиз бир ўқувчи боради дедингизку?

— деди хафа бўлиб учинчи бўлган ўқувчи.

— Нима? Э ҳа... У ерда нима бўлаяпти? Шовқин-суронни тўхтатинг.

Шовқин-сурон давом этиб, тобора кўтарила бошлади.

— Нима учун, ҳаммангизнинг тарих

фани дарслигингиз очик? Қаердан чиққан бу одат?

Савол: Ўзбекистон Республикаси қачон ва қандай таркиб топган?

Латипов! Уни ҳозироқ қўйиб юбор! — деди қўшни партадаги ўқувчи билан жанжаллашаётган ўқувчига.

— Мен эмас! — жойидан турмай қичқирди Латипов.

— Ҳозир кўрамиз, ким жавоб беришга чиқаркин.


— Синф журналида узоқ вақт зарур фамилияни излади, синфда ҳамма кутиш ҳолатида жим бўлиб қолди.

Вазифа: вазиятга доир 3-4 та савол тузинг ва уларни таҳлил

қилинг.

1-ўқув топшириқ
«Қандай» органайзерини тўлдиринг

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қадай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Фикр	Ўқувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда кейс-стади таълим технологиясининг ўрни беқиёс.
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

Таълим метод шакл ва восталари

Усуллар	Шакллар	Воситалар
Маъруза Ҳикоя Тушунтириш Йўриқнома бериш Намойиш Кўрсатиш Видеоусул Китоб билан ишлаш Лаборатория усули Машқ Амалий иш усули Вазиятлар усули	Маъруза Семинар Амалий машғулот Лаборатория машғулоти Мустақил иш Кундузги Масофавий Оммавий Жамоавий Гуруҳларда ишлаш Якка тартибда	Диапроектор Графопроектор Доска-блокнот Доска-стенд Флипчарт Видеофильмлар Ёзув тахтасива бошқ. Модел, муляжлар График, диаграммлар Намуналар Чизма, схема ва бошқ